Guzal KADIROVA,
Independent researcher

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДЕМОКРАТИЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

ОБЩЕТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ДЕМОКРАТИИ И ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

GENERAL THEORETICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF DEMOCRACY AND CIVIL SOCIETY IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

Калит сўзлар: *Глобаллашув, демократия, фуқаролик жамияти, ёндашув, давлат, сиёсий жамият, ҳуқуқ, тузилма, цивилизация, монархия, республика, буржуа жамияти*

Ключевые слова: *Глобализация, демократия, гражданское общество, подход, политическое сообщество, право, структура, цивилизация, монархия, республика, буржуазное общество*

Key words: *Globalization, democracy, civil society, approach, state, political community, law, structure, civilization, monarchy, republic, bourgeois society*

Ҳозирги даврда шахс, ижтимоий гуруҳлар, жамоат тузилмалари ва давлатнинг ўзаро алоқаларига тааллуқли фуқаролик жамияти муаммолари нафақат жамоатчилик, балки кўплаб мамлакатлардаги илмий экспертлар доираларининг диққат марказидадир. Бу эса фуқаролик жамиятининг шаклланиши демократиянинг, бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши билан боғлиқ эканлигидандир. Бошқача айтганда, инсон ва жамият ўртасидаги қайтма алоқани кафолатловчи жамоатчилик назорати тузилмалари юзага келиши лозим бўлган глобал ижтимоий қайта қуриш билан боғлиқ. Бугун мамлакатимизда бу мамлакат ривожланишининг асосий вазифаларидан биридир, чунки демократик ривожланиш шарт-шароитларини шакллантирмай ҳамда ҳақиқий демократик, фуқаролик ва очиқ жамият яратмай туриб умумий миллий тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Фуқаролик жамиятини ўрганишга жуда кўп ёндашувлар мавжуд. Бироқ шу пайтгача унинг моҳияти, келиб чиқиши ва тарихий чегараларининг умум эътироф этган «формулалари» шаклланмаган. Публицистлар, сиёсатчилар, баъзан эса олимлар ҳам ушбу терминдан фойдаланадилар, аммо айрим ҳолларда бир-бирини истисно этувчи маънони тушунадилар.

«Фуқаролик жамияти» – хусусий мулк ва давлатнинг юзага келиши билан пайдо бўладиган категория, деган нуқтаи назар энг кўп тарқалган. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси жамиятнинг муайян ҳолатини тавсифлаш учун қўлланилади ҳамда шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан таъминланган ва сиёсий жиҳатдан ҳимояланган алоҳида турдаги давлат билан айнанлаштирилади, шу боис у цивилизациялашган, яъни фуқаролик жамияти ҳисобланиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг иккинчи талқини у ҳақдаги нодавлат муносабатлари ва тузилмалар соҳаси сифатидаги тасаввур билан боғлиқ. Бу ўринда турли вариантлар бўлиши мумкин: фуқаролик жамиятини умуман жамият, унинг алоҳида қисми, барча аъзоларининг ижтимоий хусусияти сифатида тушуниш ва ҳ.к.

Фуқаролик жамияти ғоялари турлича талқин этилгани каби, унинг даврлари ҳам турлича берилиши мумкин. Бошланғич давр – фуқаролик жамияти ғоясининг шаклланиш тарихи, унинг тарихий-фалсафий шарт-шароитлари (қадимги даврдан XVI–XVII асрларгача). Ушбу ғоя «етилган» давр. «Фуқаролик жамияти» ибораси бу даврда ишлатилса ҳам, бугунгидан бутунлай бошқача маънода қўлланилган. Бу даврда фуқаролик жамияти давлат ёки сиёсий жамият билан бир хил тушунилган.

Умуман, ўрта асрлар ва янги давр Европа адабиётида у ёки бу даражада ишлатилган «фуқаролик жамияти» термини қачон илк бор қўлланилганини айтиш қийин. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси сиёсий фаннинг ўзи каби қадимийдир, деб таъкидлаш, бу терминга XVII асрдаёқ Лейбниц асос солган, дейиш мумкин. Бу тушунчани 1767 йилда илк бор қўллаган А. Фергюсон фуқаролик жамиятини фуқаролик ҳолати ва цивилизация оқибати сифатида талқин этган.

Бизнингча, «фуқаролик жамияти»нинг тушунчавий-терминологик базаси Ф. Бэкон, Г. Гро-

Фуқаролик жамиятини ўрганишда жуда кўп ёндашувлар мавжуд. Бироқ шу пайтгача унинг моҳияти, келиб чиқиши ва тарихий чегараларининг умум эътироф этган «формулалари» шаклланмаган. Умуман олганда, фуқаролик жамиятининг демократияни ривожлантириш, жамиятни сиёсий либераллаштириш ва инсон ҳуқуқлари муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлган асослари назарий мушоҳаданинг узун йўлини босиб ўтган.

Юқорида келтирилган анъаналар ўзаро фарқ қилишига қарамай, уларнинг ҳаммасини умумий принциплар бирлаштириб туради. Аввало, бу – барча инсонлар табиатан эркин ва қонун олдида тенг шахслардир, деган принцип. Бошқа томондан, бу – алоҳида индивидлар эркинлигининг реал соҳасини белгиловчи қонунлар универсал аҳамиятга эгалигини билдирувчи принцип. Учинчи томондан, бу амалдаги қонунчилик доирасида ўз манфаатлари йўлида ўз эҳтиёжлари ва ҳаракатларини ифодалашга доир эркинлик принципи, шунингдек қонун ва тегишли институтлар билан кафолатланган ихтиёрий бирлашмаларни ташкил қилиш ҳуқуқидир. Тўртинчидан, бу давлат томонидан ҳимояланган мулк сотиб олиш ва уни тасарруф этиш борасидаги эркинликдир.

Ушбу мақолада фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштирувчи ҳамда жамиятга давлатнинг аралашувидан ҳимояланишнинг зарурий даражасини берувчи механизмлар танқид этилган. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг бу ва бошқа хусусиятлари ривожланган мамлакатларда, жумладан Ўзбекистон ҳам мансуб бўлган янги мустақил давлатларда, унинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари таҳлил қилинган.

Существует множество подходов к изучению гражданского общества. Но до сих пор не существует общепризнанной «формулы» ее сущности, происхождения и исторических границ. В целом, основы гражданского общества, тесно связанные с развитием демократии, политической либерализацией общества и правами человека, прошли долгий путь теоретических дискуссий.

Все перечисленные институты, сохраняя отличительные черты, разделяют общие принципы. Прежде всего, это принцип естественной свободы и равенства перед законом всех людей. С другой стороны – принцип, выражающий универсальное значение законов, определяющих реальную сферу свобод отдельно взятых индивидов. В-третьих - в контексте действующего законодательства - принцип волеизъявления личных интересов в рамках выражения собственных потребностей и действий, а также право создания добровольных объединений, гарантированное законом и соответствующими институтами. В-четвертых, это охраняемая государством свобода приобретения и распоряжения частной собственностью. Наконец, это наличие механизмов, которые стабилизируют отношения между гражданским обществом и государством и обеспечивают обществу необходимый уровень защиты от вмешательства государства. Эти и другие особенности гражданского общества имеют первостепенное значение для понимания сути процессов его формирования и развития в развитых странах, в том числе в Узбекистане и новых независимых государствах.

There are many approaches to the study of civil society. But there hasn't been any universally recognized "formula" of its essence, origin and historical boundaries so far.

In general, the foundations of civil society, closely related to the development of democracy, political liberalization of society and human rights, have passed from the long way of theoretical discussions. All of mentioned institutions share common principles while maintaining distinctive features. First of all, it is the principle of natural freedom and equality in front of the law of all people. On the other hand, principle expressing the universal significance of laws that determine the real sphere of freedom of separately taken individuals. Thirdly, it is the principle of freedom to express one's own needs and actions within the framework of existing legislation, as well as the right to form voluntary associations guaranteed by law and relevant institutions. Fourthly, it is the state-protected freedom of acquisition and disposal of private property. Finally, it is the existence of mechanisms that stabilize relations between civil society and the state which provide with the necessary level of protection against government interference. These and other features of civil society have primary importance for understanding the essence of the processes, its formation and improvement in the developed countries, including Uzbekistan and the new independent states.

ций, Т. Гоббс, Ж. Локк, Д. Юм, Б. Спиноза, Ж. Руссо, Ш. Монтескьё ва бошқа мутафаккирларнинг тегишли материалларига асосланади. Улар ўз асарларида мутлақ монархия ва юзага келаётган буржуа демократиясининг кураши кечган замонасининг эҳтиёжларини оддийгина ифодалаб қолмай, балки «ижтимоий формация»нинг ривожланишида сифат жиҳатдан янги босқич бўлиши зарурлигини асослаб берганлар. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши янги тип – буржуа давлатчилигининг шаклланиши билан бирга кечган [1; 29-37 с.].

Гоббснинг фикрича, давлат қудратли, авторитар ва репрессив бўлиши мумкин. Аммо унинг асосий функцияси фуқароларнинг конституциявий (иқтисодий ва бошқа) ҳуқуқларини ҳимоялашдан иборат. Гоббс асарларида фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро мос келиши фуқаролик жамиятининг давлатни қамраб олиши сифатида эмас, балки

уларнинг муайян алоқадорлиги сифатида кўрсатилган [2; 132-137 с.].

Агар Гоббс монархия (сиёсий бошқарув шакли) ва буржуа иқтисодиёти ўртасида муросага интилган бўлса, Локк буржуа тараққиёти манфаатларига хизмат қиладиган сиёсат доирасида монархия ва республика ўртасида муроса бўлиши мумкинлигини асослаб берган. Унинг идеали ҳокимиятлар бўлинган конституциявий монархия бўлиб, бунда олий қонунчилик ҳокимияти масалалар «кўпчиликнинг иродаси бўйича» [3; 56-57 с.] ҳал қилинадиган парламентга тегишли бўлган. Локк таълимоти «буржуа либерализми» ва замоннинг руҳини ифодаловчи «соғлом ақл» ифодаси ҳисобланади.

Иккала олим ижтимоий шартноманинг хусусиятини турлича тушунганлар. Масалан, Гоббсда ижтимоий шартномага риоя этилишининг кафили – давлат, Локкда эса қонунчилар сиймосидаги халқдир. Локкнинг ижтимоий шартнома концепцияси унинг ҳокимиятлар бўлиниши принципи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга кўра ҳукумат ўзбошимчалик билан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Структуравий ёндашувга келганда айтиш мумкинки, у янгидан шаклланаётган иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг бирлигини инобатга олган. Улар биргаликда ижтимоий тузумнинг янги типи, яъни анъанавий табақавий-иерархик, феодал жамият ўрнига келувчи буржуа жамиятини ташкил қилган [4; 22-24 с.].

Ижтимоий шартнома назариясининг вакиллари хусусий манфаатлар ифодаси бўлган фуқаролик жамияти билан жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат ўртасидаги зиддиятга эътибор қаратганлар. Улар давлатга «алоҳида индивиднинг ўз хоҳишини эркин билдириши ва имкониятларини рўёбга чиқариши»га тўсқинлик қилувчи ҳаддан ташқари кенгайиб кетган организм сифатида қарайдилар [5; 127-130 с.]. Гарчи ижтимоий шартнома назариясининг вакиллари «фуқаролик жамияти» ва «давлат» тушунчаларини айнан бир деб билган бўлсалар-да, ушбу назариялар асосида шаклланган анъана уларни нафақат фарқлай бошлайди, балки фуқаролик жамиятини биринчи ўринга қўйиб, уларни бир-бирига қарши қўя бошлайди.

Умуман олганда, юқорида келтирилган даврни фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро муносабати масаласидаги ўзига хос назарий рефлексия, «назарий» ва муайян маънода «идеалистик» деб ҳисоблаш мумкин, чунки воқелик билан мазкур муаллифларнинг назарий фикрлари ўртасида ниҳоятда катта жарлик мавжуд эди.

Фуқаролик жамияти ғоясининг ривожланишидаги учинчи давр, афтидан, «институционал давр» деб аталиши керак. XIX асрнинг биринчи чораги ва XX асрни ўз ичига оладиган бу даврда буржуа инқилоблари шароитида фуқаролик жамияти концепцияси сиёсий жиҳатдан тан олинди ва мафкуравий ҳукмронлиги қарор топди. Фуқаролик жамияти назарий қоидалардан ижтимоий воқеликнинг алоҳида соҳасига айланди ва бу билан онтологик мақомга эга бўлди.

Мазкур давр давлатнинг фуқаролик жамияти билан айнан бир эмаслигини илк бор таъкидлаган ва уларни ажратган Гегелдан бошланади. Гегель фуқаролик жамиятини замон белгиси ва бутун жаҳон тарихининг алоҳида босқичи деб ҳисоблаган. Жаҳон тарихи, Гегель фикрича, жамият ривожланишининг уч босқичи – оила, фуқаролик жамияти ва давлатда амалга ошадиган мутлақ ахлоқий руҳнинг ривожланишидир. Фуқаролик жамиятининг ривожланишининг ўзиёқ унинг асоси сифатида давлатнинг мавжудлигини тақозо этади [6; 278 с.].

Гегель фуқаролик жамиятига уч жиҳатни киритган: а) меҳнат жараёнида қаноатлантириладиган **эҳтиёжлар тизими** (бу эҳтиёжлар бир индивидники ҳам, барча фуқароларники ҳам бўлиши мумкин); б) мулкнинг эркинлиги ва ҳимояланишини кафолатловчи **одил судлов**; в) алоҳида бир шахснинг неъмати «ҳуқуқ ҳисобланадиган ва ҳуқуқ сифатида амалга ошириладиган» [6; 256 с.] бўлишини кузатиб турувчи **полиция** ҳамда «давлатнинг ахлоқий илдизини ташкил этиб» [6; 277 с.], у ёки бу манфаат, иш ёки маҳорат бўйича бирлашган, таркибига кирувчи барча шахсларга имтиёз ва шаън берадиган ва махсуслик умумийликда ўз илдизига эга бўладиган бирлашмалар бўлмиш **корпорациялар.**

Шунга қарамай, тадқиқотчи В. Нерсесянц тўғри таъкидлаганидек, «Гегелнинг этатизмида тоталитаризмга мафкуравий тайёргарлик эмас, балки унинг хавф-хатарлари ҳақидаги обрўли фалсафий огоҳлантиришни кўриш тўғри бўлади» [7; 30-31 с.]. Тоталитаризм ва этатизм – бир-бирини истисно этувчи тушунчалар: «Этатизм эмас, балки айнан тоталитаризм ... шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқаролик жамиятининг мустақиллигини тубдан инкор этишдир. У тоталитаризм шароитида батамом сиёсийлаштирилади ва мафкуралаштирилади,

мустақилликдан маҳрум этилади, бузилади ва тоталитар тизим томонидан қоплаб олинади» [7; 31 с.].

Гегелдан кейин фуқаролик жамиятини Маркс тарихий ҳодиса, аввало, тарихий ривожланишнинг натижаси ва муайян босқичи сифатида баҳолаган. У фуқаролик жамиятининг юзага келишини бунинг учун зарур бўлган хусусий мулк эркинлиги шаклидаги иқтисодий шарт-шароитлар билан боғлаган [8; 224 с.].

Фуқаролик жамиятини ижтимоий организмнинг давлатдан ташқаридаги махсус соҳаси сифатида талқин этиш А. Токвиль ва унинг Америка демократияси бўйича тадқиқоти туфайли Европада кенг тарқалди. Маълумки, «Америка модели» ўша даврда ишлаб чиқилган ижтимоий шартнома ва фуқаролик жамияти назарияси принциплари ва асосларининг амалдаги ифодасидир.

Америкалик фуқаро, европаликдан фарқли равишда, қонун ва бошқа одамлар ҳуқуқларининг ҳурмат қилинишини эрксеварлик, прагматизм, баъзан ниҳоятда кескин индивидуализм шаклига кирадиган қадр-қиммат ҳисси билан узвий боғлайди. Фуқароларнинг ўзаро муносабатларига доир барча нарсаларда у тобе ҳолатида бўлади, унинг ўзи эса «жаноб бўлиб қолади, ўз ҳаракатларида эркин бўлади ва фақат Худога ҳисоб беради» [9; 48 с.].

Токвиль умуман жамият ва, жумладан, фуқаролик жамиятининг шаклланишини давлатдан илгари ва мустақил равишда пайдо бўладиган алоҳида институт бўлмиш жамоаларнинг шаклланиши билан боғлаган [9; 45 с.]. Улар асосида ижтимоий фаолиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олувчи диний, оилавий, касбий ва бошқа кўплаб фуқаролик уюшма ва бирлашмалари ташкил этилади. Биринчидан, улар ахлоқ, фикр эркинлиги ва қарорларнинг мустақиллигини давлат томонидан бўладиган аралашувлардан ҳимояловчи институтлардир. Иккинчидан, улар одамларни ташқи кучлар тажовузидан, шунингдек ижтимоий соҳа ва сиёсий институтларни одамларнинг ҳаддан ташқари ортиқча иззат-нафслари ва худбинона манфаатларидан ҳимоялаш кафолатидир. Уларда бошқа нарсалар билан бир қаторда «одамларнинг жамоавий ва якка тартибдаги интилишларини уйғунлаштириш, уларда озодлик ва масъулият, демократик қадриятлар, анъана ва одатларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, тегишли ижтимоий хулқ кўникмаларини шакллантириш» [10; 41 с.] доирасида бошланган иш давом эттирилади. Токвиль фуқароларнинг ўз-ўзини англаши шаклланишида ва фуқаролик жамияти маконининг кенгайтирилишида мустақил матбуотнинг ролига илк бор эътибор қаратди.

Юқорида келтирилган анъаналар ўзаро фарқ қилишига қарамай, уларнинг ҳаммасини умумий принциплар бирлаштириб туради. **Аввало**, бу – барча инсонлар табиатан эркин ва қонун олдида тенг шахслардир, деган принцип. **Бошқа томондан**, бу – алоҳида индивидлар эркинлигининг реал соҳасини белгиловчи қонунлар универсал аҳамиятга эгалигини билдирувчи принцип. **Учинчи томондан,** бу амалдаги қонунчилик доирасида ўз манфаатлари йўлида ўз эҳтиёжлари ва ҳаракатларини ифодалашга доир эркинлик принципи, шунингдек қонун ва тегишли институтлар билан кафолатланган ихтиёрий бирлашмаларни ташкил қилиш ҳуқуқидир. **Тўртинчидан,** бу давлат томонидан ҳимояланган мулк сотиб олиш ва уни тасарруф этиш борасидаги эркинликдир. **Ниҳоят,** фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштирувчи ҳамда жамиятга давлатнинг аралашувидан ҳимояланишнинг зарурий даражасини берувчи механизмларнинг мавжудлигидир.

1920–1990 йилларда илгариги даврларга хос шахснинг иқтисодий ва сиёсий эркинликлари ҳақидаги амалий талаблардан маданият соҳасидаги эркинликлар, турмуш тарзларини кенгайтириш кабиларга ўтиш юз берди ва ҳ.к. Аста-секин «фуқаролик жамияти – давлат» дихотомияси мураккаброқ конструкцияларга айлантирилиши учун шарт-шароитлар пайдо бўлади.

Фуқаролик жамияти ғояси ушбу жамият тўғрисидаги барқарор, умум эътироф этган тасаввурлар тизимида амалий ифодасини топади, уни бундай жамиятнинг аксарият аъзолари тушунадилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Ижтимоий воқеликка рационал-танқидий муносабат, динлар, ғоялар, фикрлар плюрализми ҳамда бошқа белги ва омиллар кучайиб боради. Фуқаролик жамияти ғояси кундалик ҳодисага айланиб, «назарий конструкция»гина бўлмай қолади. Бунда фуқаролик жамиятининг «Локк модели»ни «Токвиль модели» сиқиб чиқаради.

Реал фуқаролик жамиятининг турли шакллари юзага келади. Бугун фуқаролик жамиятини давлат билан, ҳатто ҳуқуқий давлат билан айнан деб билувчилар кам, чунки бундай ҳолда «фуқаролик жамияти» тушунчаси «ўз мазмунини» йўқотади. Фуқаролик жамияти шахс ва давлат, хусусий ва оммавий

соҳалар, хусусий ва умумий манфаатлар ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажаради.

Ушбу йўналишда фуқаролик жамияти ғоясини ишлаб чиқишга америкалик социологлар Р. Нисбет ва П. Бергер катта эътибор қаратдилар [11; 300 с. 12; 557 с.]. Улар черков, оила, жамоа, ихтиёрий бирлашмалар сингари «билвосита тузилмалар»нинг индивид ва давлат ўртасида воситачи сифатидаги алоҳида аҳамияти ва муҳимлигини таъкидлаганлар. Улар сиёсий институтларга барча имкониятдаги усулларни қўллаб, мазкур тузилмаларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш ҳамда улардан «имкони бўлган барча жойда» фойдаланишни таклиф этганлар. Фақат шу тузилмаларгина ҳозирги замонда инсон ўзини кўпроқ даражада эркин сезиши учун ижтимоий ва давлат институтларига маъно ва ахлоқий ўлчов бериши мумкин.

Ушбу ғоянинг ривожлантирилиши сиёсий аҳамиятга эга бўлган, у ёки бу тарзда сиёсий кучлар жойлашувига таъсир этадиган кўплаб илмий мактаб ва оқимлар ҳосил бўлишига олиб келди. Уларнинг айримлари янги ижтимоий ҳаракатларни, фуқаролик ташаббусларини рағбатлантирадилар, одамларнинг хатти-ҳаракатини белгиловчи ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ижтимоий-маданий ва ҳуқуқий намуналар шаклланишига ёрдам беради.

Фуқаролик жамияти ғоясининг ривожланиши, умуман олганда, улкан мавзу ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бу ғоя анча ривожланиб бориб, неоконсерватив мафкура концепциясигача кенгайди – давлатнинг фуқаролик жамиятини қамраб олиши ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари сиёсийлашуви, маҳаллий ҳокимиятнинг ривожланиши, локал жамоалар ва ихтиёрий бирлашмалар даражасида омманинг ижодий ташаббуслари ҳақидадир.

Биз тавсифлаган йўналишнинг таъсирли назариётчиси У. Бек учун ҳозирги жамиятнинг энг ўзига хос жиҳати таваккалнинг турли даражасидир. Ҳозирги жамият ҳаёт ва фаолиятнинг деярли барча соҳалари – экология, иқтисодиёт, сиёсат, шахсий ҳаёт кабиларга кириб бораётган ва кучайиб бораётган таҳдидлар шароитида фаолият кўрсатмоқда. Таваккалларнинг минималлаштирилиши муқаррар равишда барқарор ривожланиш стратегияси ифодаланишига олиб келади. Ушбу назарий йўналиш фаолиятининг натижаси модернизациянинг яна бир типи мумкинлигини асослаб беришдир. Уни амалга ошириш чоғидаги марказий элемент – ўрганилган ва жамиятни бошқаришда фойдаланиладиган маданиятнинг ижтимоий механизмлари, стратегиянинг асоси эса – рефлексиялар ва дискурслар, амалий танқид ва назарий тафаккурнинг бирлашуви [13; 433 с.].

Ушбу босқичда М. Кастельс таклиф этган тармоқли жамият назарияси энг кўп оммалашиб бормоқда [14; 480 с.]. Ушбу назариянинг марказида ишлаб чиқариш муносабатларида, ҳокимият соҳасида, шахсий тажриба, жамиятдаги ўзаро муносабатлар соҳасидаги «глобаллашган субстанциялар»дан иборат тармоқ тушунчаси туради. Бундай жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи ахборотдир. Ҳозирги вақтда ҳокимият борган сари кўпроқ ахборотдан фойдаланиш имконияти, шунингдек «маданият кодлари» билан манипуляция қилишга айнанлаштирилмоқда. Тармоқ назарияси субъектларини халқаро аъзоликни назарда тутувчи макроижтимоий ташкилотлар (Amnesty International, Greenpeace ва бошқ.)дан кўра кўпроқ автоном халқаро ташкилотлар – Right Watch ва бошқалар ташкил этадиган глобал фуқаролик жамиятининг мавжудлигини исботламоқда. Фуқаролик жамияти тармоқлари, аввало, халқаро жамоатчиликни жиддий ташвишлантираётган соҳаларда юзага келади [15; 113 с.].

Тармоқ назарияси ҳозирги вазиятни ахборот ва маданиятнинг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиши сифатида тавсифлайди. Шаклланаётган «ахборот маданияти» эски ҳокимият тузилмаларидан озод бўлган «жамоавий ўзлик»ни қамраб бормоқда. Натижада ахборот маданиятидан демократия учун фойдаланиши керак бўлган ўзига хос «янги ўзлик» шаклланмоқда. Бунда вертикал иерархия ўрнига горизонтал иерархия келмоқда – ҳокимият бирор-бир муайян агентлик томонидан назорат қилмайдиган глобал тармоқларда йўқ бўлиб кетмоқда (сингиб кетмоқда). М. Кастельс ёзганидек, «янги ҳокимият репрезентация кодлари ва образларида бўлиб, жамият улар атрофида ўз институтларини ташкил қилади, одамлар эса ўз ҳаётларини қурадилар, хатти-ҳаракатларини белгилаб оладилар» [13; 433 с.]. Ижтимоий воқелик дунёсида ўзига хос ўтмиш, ҳозирги ва келажак ижтимоий тизимлари биргаликда мавжуд бўлади ва ўзаро таъсир кўрсатади. Ғарбнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган мамлакатлари аллақачон ривожланишнинг келажак даражасига чиқмоқдалар. Мамлакатларнинг аксарияти ривожланишнинг ҳозирги босқичида ёки унга ўтиш босқичидадирлар [16; 116-118 с.].

Ушбу типологияга мувофиқ, ривожланаётган мамлакатлар жамиятнинг ўтиш даври ёки анъанавий шаклларига мансубдирлар, уларда фуқаролик жамияти «эмбрионал ҳолатдадир». Постмодернизмга оид турли назарияларнинг умумий жиҳати фуқаролик жамиятининг институционаллашувидаги система ҳосил қилувчи омилларни излашдан воз кечишдир. Уларнинг аксариятига фуқаролик жамиятига кўп жиҳатдан объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ спонтан ва кўп вариантли жараён сифатида қараш хосдир. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг ҳозирги қиёфаси, аввало, номоддий хусусиятга эга сабаблар билан боғлиқ деган тахмин илгари сурилмоқда. Агар ҳозирги қиёфадаги фуқаролик жамиятининг юзага келиш босқичида саноат ва техниканинг ривожланиши биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса, келажак шаклига ўтиш босқичида маданият ва символик интеракциянинг таъсири устунлик қилади.

Маълумки, фуқаролик жамияти ва демократик давлатнинг шаклланиши узоқ давом этадиган жараёндир. Унинг миқёси ва суръатларини ҳеч бир декрет (қонун) билан белгилаб бўлмайди. Бироқ фаол сиёсат юритиб ҳамда фуқаролик жамиятининг шаклланишига ислоҳотлар сиёсатининг муҳим ва мустақил йўналиши сифатида қараб, ушбу жараённи тезлаштириш мумкин [17, 18, 19].

Умуман олганда, фуқаролик жамиятининг демократияни ривожлантириш, жамиятни сиёсий либераллаштириш ва инсон ҳуқуқлари муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлган асослари назарий мушоҳаданинг узун йўлини босиб ўтди. Илмий социологик, фалсафий ва сиёсий адабиётларда ўз аксини топган фуқаролик жамиятининг шаклланиши, ривожланиши ва мазмуни ҳақидаги ғоялар фуқаролик жамияти «назарий конструкция» бўлиб қолмасдан, амалга ошган ҳақиқатга айланаётганлиги фактини асослаб беради.

Биринчидан, назаримизда фуқаролик жамиятининг асосий функцияси фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Бу эса ташқи ва ички таҳдидларни зарарсизлантириш билан боғлиқ бир қатор муаммоларнинг ҳал этилиши, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларга риоя этилиши кабиларни тақозо этади.

Иккинчидан, илмий адабиётлардан шу нарса келиб чиқадики, фуқаролик жамиятининг ресурслари одамларни ташқи кучлар тажовузи ёхуд таъсиридан, жумладан ижтимоий соҳа ва сиёсий институтларни жамиятнинг ўзидаги ҳаддан ташқари кучли амбициялар (иззат-нафслар) ва худбинона манфаатлардан ҳимоялаш кафолати ҳисобланади.

Учинчидан, фуқаролик жамияти ғоялари бундай жамият ҳақидаги барқарор ва умум эътироф этган тасаввурлар тузилишида амалий ифодасини топмоқда. Шубҳасиз, бундай ғояларни фуқаролик жамиятининг аксарият аъзолари яхши тушунишлари ва уларга қўшилишлари лозим.

Тўртинчидан, илмий адабиётлардан шу нарса келиб чиқадики, «фуқаролик жамияти» категориясидан жамиятнинг муайян ҳолатини ифодалаш учун фойдаланилади ҳамда шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан таъминланган ва сиёсий жиҳатдан ҳимояланган, шу боис маданиятли (цивилизациялашган), яъни фуқаролик жамияти деб ҳисобланиши мумкин бўлган алоҳида типдаги давлат билан айнанлаштирилади.

Фуқаролик жамиятининг бу ва бошқа хусусиятлари ривожланган мамлакатларда, жумладан Ўзбекистон ҳам мансуб бўлган янги мустақил давлатларда унинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларининг моҳиятини тушуниш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Golenkova 3. i dr. Stanovleniye grajdanskogo obhestva i sotsialnaya stratifikatsiya // Sotsis. - M., 1995.- № 5.- S. 29-37.
2. Gobbs T. Sochineniya: V 2-x t.- M.: Mo‘sl, 1964. - T. 1.- S. 132-137.
3. Lokk Dj. Sochineniya: V 3-x t.- M.: Mo‘sl, 1988. - T. 2. - S. 56-57.
4. Problemo‘ formirovaniya grajdanskogo obhestva. - M.: In-t sotsiol. RAN, 1993. - S. 22-24.
5. Reznik Yu. Grajdanskoye obhestvo kak fenomen sivilizatsii: Ideya grajdanskogo obhestva v sotsialnoy mo‘sli. - M.: Soyuz, 1993. - S. 127-130.
6. Gegel G. Filosofiya prava // Filosofskoye naslediye: Sb.- M.: Mo‘sl, 1990. - S. 278.
7. Nersesyans B. Filosofiya prava Gegelya: Istoriya i sovremennost // Gegel G. Filosofiya prava. - M., 1990.- S. 30-31.
8. Marks K., Engels F. Poln. sobr. soch.- Izd. 2-ye.- T. 13. - S. 224.
9. Tokvil A. O demokratii v Amerike. - M.: Progress, 1987. - S. 48.
10. Vityuk V. Ukazan. soch. - S. 41.

11. Berger P. Kapitalisticheskaya revolyutsiya: 50 tezisov o protsvetanii, ravenstve i svobode. - M.: Progress-Univers, 1994. - 300 s.
12. Nisbet R. Progress - istoriya idei. - M.: IRISEN, 2007. - 557s.
13. Obhaya i prikladnaya politologiya / Pod obh. red. V.Jukova, B.Krasnova. - M.: MGSU,1997. - S. 433.
14. Kastels M. Informatsionnaya epoxa: Ekonomika, obhestvo i kultura: Per. s angl. / Pod nauchn. red. O.Shkaratana. - M.: GU-VSHE, 2000. - 480 s.
15. Karnaux V. Rossiya i globalnoye grajdanskoye obhestvo // Strategiya formirovaniya grajdanskogo obhestva v Rossii. - SPb., 2002. - S. 113.
16. Gutorov V. Sovremenno'ye konsepsii grajdanskogo obhestva // Grajdanskoye obhestvo v Rossii: Strategiya i taktika formirovaniya. - SPb., 2002.- S. 116-118.
17. Xabermas Yu. Demokratiya. Razum. Nravstvennost. - M., 1992.
18. Berger P., Lukman T. Sotsialnoye konstruirovaniye realnosti: Traktat po sotsiologii znaniya. - M., 1995.
19. Obhaya i prikladnaya politologiya / Pod red. V.Jukova, B.Krasnova. - M.: MGSU, 1997.